



XALQ DEPUTATLARI UCHQO'RG'ON TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 27 - noyabr

VI-39-51-6-87-K/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

Тумандаги 30, 39, 40-сонли умумий ўрта таълим мактаблари директори лавозимига тавсия этилган номзодлар ҳақида.

Вилоят Халқ таълими бошқармаси номенклатурасига киритилган лавозимларга танлов ўтказиш бўйича комиссиясининг 2021 йил 8 июлдаги 27-сон, 2021 йил 5 октябрдаги баёнлари қарорига асосан, тумандаги 30, 39, 40-сонли умумий ўрта таълим мактаблари директорлари лавозимига номзодларни мактабни ривожлантириш бўйича тузган 3 йиллик дастурларини тинглаб, муҳокама қилиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учқўрғон туманидаги 30-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига Эгамов Музаффар Ғаниевич;

Учқўрғон туманидаги 39-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига Воҳидов Улуғбек Джамолидинович;

Учқўрғон туманидаги 40-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига Нишонов Файзулло Фозиловичларни номзодлари маъқуллансин.

2. Учқўрғон туманидаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига номзод Сиддиқова Дилноза Турдиматовна ўзи танлаган мактабни келгуси 3 йилда ривожлантириш бўйича истиқбол дастурини тақдим этмаганлиги ва сессияда иштирок этмаганлиги учун унинг номзоди қайтарилсин.

3. Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи (Р.Исраилов)га юқорида

номлари тавсия этилган умумий ўрта таълим мактаблари директорлари билан меҳнат шартномаларини тузиш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг “Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича” доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Вахобов